

Васият фарзми?



18:03 / 11.11.2018 2450

Савол: *Васият фарз бўлса, жаноза имоми «Марҳум ёки марҳуманинг васияти борми?» деб сўраши керакми?*

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Имомнинг жаноза намозини ўқишдан олдин васият ҳақида сўраши шарт эмас. Аслида, васиятнинг ўзи ҳам фарз эмас. «Мерос» ояти нозил бўлганидан сўнг васият қилиш фарз бўлмай қолган. Чунки ушбу оятда Аллоҳ таолонинг Ўзи мерос масаласини, кимлар меросхўрлар саналишини батафсил баён қилиб берган. *Валлоҳу аълам.*

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан